



Дилором АШУРОВА

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ИНТЕРФАОЛ МУЛЬТИМЕДИА ТАҚДИМОТЛАРИНИ ТРИГГЕРЛАРДА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРДАН Фойдаланиш

Мақола чет тили таълими самарадорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланган интерфаол мультимедиа тақдимотларини яратиш усул ва воситаларини ўрганишга бағишланган.

Статья посвящена методам и средствам создания, а также использования интерактивных мультимедийных презентаций с целью достижения продуктивности в обучении иностранным языкам.

The article is devoted to the methods and means of development and the usage of interactive multimedia presentations in order to achieve efficiency in teaching foreign languages.

Калит сўзлар: интерфаол, мультимедиа тақдимоти, интерфаол мультимедиа тақдимоти, триггер, анимация эффекти.

Ключевые слова: интерактивный, мультимедийная презентация, интерактивные мультимедийные презентации, триггер, анимационные эффекты.

Key words: interactive, multimedia presentation, interactive multimedia presentations, trigger, animation effects.

Таълим тизими барча бўғинларининг ахборот технологияларидан фойдаланиши таълимнинг ахборотлашувида кундалик талабни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида фан ўқитувчиларидан янги ахборот муҳитида бемалол ишлай олиш кўникмаларини ўзлаштиришни талаб этади. Ўқувчиларнинг компьютерда мавзуга оид дидактик материалларни, интерфаол топшириқларни тайёрлай олишлари уларнинг билимини ошириш, олинган билимларини текшириш, мустақил билим олишини назорат қилиш

ва таъминлаш ва машғулотларнинг қизиқарли кечиши учун имконият яратади.

Интерфаоллик таълим олувчининг эҳтиёжларига мос равишда тегишли ахборотларни тақдим этишни назарда тутади. Интерфаоллик муайян ахборотни тақдим этишни бошқаришга имкон беради: таълим олувчилар дастурда белгиланган соловларни индивидуал тарзда ўзгартириши, натижаларни ўрганиши, фойдаланувчиларнинг муайян хоҳиши ҳақидаги дастур сўровиги жавоб бериши, материалларни тақдим этиш тезлигини ҳамда такрорлашлар сонини белгилаши мумкин.

Мультимедиали тақдимот — бугунги кунда ахборот тақдим этишнинг энг замонавий шакли ҳисобланади. “Бу матнли маълумотлар, расмлар, слайд-шоу, диктор жўрлигидаги овоз билан бойитилган, видеопарча ва анимация, уч ўлчамли графика тарзидаги дастурий таъминот бўлиши мумкин”(2, 249).

Мультимедиа тақдимотининг турлари:

Интерфаол мультимедиа тақдимоти — иерархик принцип асосида тизимланган ва махсус фойдаланувчи интерфейси орқали бошқариладиган мультимедиа компонентлари мажмуи.

Фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб, интерфаол тақдимотлар шартли равишда қуйидаги турларга бўлинади:

корпоратив мультимедиали тақдимот;

мультимедиали каталог;

маҳсулот тақдимоти;

ўргатувчи ёки тест дастури;

эркин фойдаланишга рухсат берилган компьютерлар учун мультимедиа қобиғи;

электрон нашр ёки мультимедиа китоб.

Чизиқли мультимедиа тақдимоти — мураккаб графика, видео қўйилма, овоз жўрлиги таъминланган ва навигация тизимига эга бўлмаган ҳаракатли ролик. Чизиқли тақдимотлар мўлжалланишига кўра, шартли равишда қуйидаги шаклларга бўлинади:

стенд шаклидаги мультимедиа тақдимоти;

электрон доклад ёки жўрликдаги тақдимот;

sales-тақдимот;

промо-ролик;

интро-ролик;

экран ҳимоя лавҳалари (ScreenSavers).

Талаб даражасида тўғри ишлаб чиқилган мультимедиа материаллари матнли ахборотга қараганда бирмунча илғор бўлиб, мультимедиа материалларининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- 1) муқобил истиқболлар;
- 2) фаол иштирок;
- 3) тезкор таълим олиш;
- 4) билимларни хотирада сақлаш ва қўллаш олиш;
- 5) муаммоларни ечиш ва қарор қабул қилиш кўникамалари;
- 6) тизимли равишда тушуна бориш;
- 7) юқори даражадаги тафаккур;
- 8) мустақиллик ва эътиборлилик
- 9) ахборотлар кетма-кетлиги ва тезлигини (темп) бошқариш;
- 10) қўллаб-қувватлаш ахборотларидан фойдаланиш имкониятлари(2, 254).

PowerPoint дастурида тақдимотга овозли ва видео-клиплар бошқа дастурларга қараганда қулай киритилади ва намоёиш этилади. Дастурда мультимедиа объектиларни танлаш учун сичқончанинг ўнг тугмасидан фойдаланилади, бунда намоёиш этиш опциясини ўрнатиш учун анимация эффекти менюсининг командаларига йўл очилади.

Тақдимотдаги мультимедиа материалларини намоёиш этиш учун рўйхат тузиш ва кетма-кетлигини белгилаш мумкин, улардан фойдаланишнинг барча жиҳатлари осон ва қулай. Иккита диалог ойнаси билан ишлаётган тақдирда ҳам асосий функцияларга мурожаат этиш учун битта усулдан фойдаланса бўлади.

PowerPoint дастури видеоматериалларни намоёиш этишда фон рангларининг аниқ ва тиниқлигини таъминлайдиган ягона дастур ҳисобланади.

Шунингдек, PowerPoint дастури бошқа дастурлардан фарқли равишда видеообъектларга намоёиш даврида сузиб (учиб) юривчи видеотасвир каби эффектларни қўллаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, слайддан-слайдга ўтишнинг 46 хил эффектдан фойдаланиш мумкин. Анимация эффекти функцияси PowerPoint имкониятларини янада кенгайтиради. Иккита диалог ойнаси орқали у тасвирли ҳамда мультимедиа объектиларни, анимациянинг кўпгина функцияларини бирлаштиради ва тақдимотнинг хоҳлаган жойида ишлатилиши мумкин(2, 280–281).

PowerPoint дастури кўргазмали ўқув материалларини тайёрлаш учун ўқитувчининг муҳим ёрдамчиси ҳисобланади. Тақдимотлардан ўқитувчи сўзларининг кўргазмали, дарс жараёнини қизиқарли бўлиши учун фойдаланилади. Улардан кенг фойдаланишнинг сабаби бундай

объектга белгилаш (масалан: “качание”), нотўғри жавобга эса объектнинг чиқиб кетиш (масалан: “исчезновение”) анимацияси танланади. Ойнанинг чап қисмидан “область анимации” ойнасидан “время” бандини танлаймиз. Ҳосил бўлган ойнадан объектларга мос анимация эффектларини сошлаб чиқамиз.

PowerPoint 2010 дастурида тўрт турдаги анимация эффектлари бўлиб, булар:


— **вход (чиқиш) эффекти.** Объектнинг экран турли қисмаларидан ва турли кўринишларида чиқиши;

— **выход (чиқиб кетиш) эффекти.** Объект слайддан турли кўринишларда чиқиб кетади.

— **выделения (алоҳида ажратиш) эффекти.** Мисол сифатида объект ўлчамларини катталаштириш ва кичиклаштириш, рангларини ўзгартириш, объектни ўз атрофида айланишини келтириш мумкин.

— **пути перемещения (бир жойдан иккинчи жойга кўчиш йўли) эффекти.** Ушбу эффект объектнинг пастга, юқорига, ўнгга, чапга кўчиши ва юлдуз, айлана (ва бошқа) троекториялар бўйича ҳаракатланишини белгилайди.

Слайддаги барча анимацион эффектларни “область анимации” бўлимидан кўришимиз мумкин. Унда анимация эффекти куйидаги кўринишда намоён бўлади:



1. Объектнинг слайдда чиқиш кетма-кетлигининг тартиб рақамини кўрсатади.

2. Эффектлар намоёиш вақти шкаласи.

3. Анимация эффектнинг турини ифодоловчи белгилар. Бу мисолда *выход* эффекти эканлигини кўрсатади.


4. Элементлар рўйхатидаги пастки йўналишни танлаш орқали менюни кўриш мумкин.

Мулоқот ойнасида “Эффект” ва “Время” бандлари мавжуд. Анимация эффектида бошланиш вақти бир неча турларининг белгилари акс этган:


По щелчку — анимация эффекти слайддаги объект танланганда бошланади.

С предыдущим — анимация эффекти олдинги эффект билан биргаликда ижро этилади.

После предыдущего — анимация эффекти рўйхатдаги олдинги эффект томомланиши билан тезда ижро этилади.



Барча триггерларни сошлаб чиққанимиздан сўнг “область анимации”нинг кўриниши куйидаги кўринишга ўтади.




“Переходи” менюсидаги “смена слайда” бўлимида “По щелчку” ва “После» бандларидаги танлашларни олиб ташлаш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, “По щелчку” бандидаги белгиланиш иш соҳасининг барча қисмларини танлаганимизда кейинги слайдга ўтиши, “После” бандидаги белгиланиш эса автоматик тарзда кейинги слайдга ўтади. Биз учун эса фақат объектлар белгиланганда нотўғри жавоблар слайддан йўқолиши, тўғри жавоб эса турли томонларга оғиши керак бўлади.


Кейинги мисоли-мизда расмлар танланганда, унга мос келадиган сўзларнинг расм

пастида акс этишини кузатамиз.

Бунинг учун ҳар бир сўзни расмга мос ҳолда анимация менюсидан “Пути перемещения” бандидаги “Линии” буйруғини танлаймиз ва расмнинг пасти қисмига чизиб тушираемиз. Ойнанинг чап қисмидан “область анимации” ойнасидан “время” бандини танлаймиз. Ҳосил бўлган ойнадаги расмларга мос сўзларнинг “переключатели” бандидан “Начать выполнение эффекта при щелчке” буйруғидан мос сўзнинг чиқишларини сошлаб чиқамиз. Слайд намоиш этилган пайти расмлар устига сичқонча тугмаси босилганда, унга мос келадиган сўзлар расмнинг пастки қисмида ҳаракатланганлигини кўришимиз мумкин.



Кейинги мисолимизда эса тўғри жавоблар танланганда “Correct”, нотўғри жавоблар танланганда эса “Incorrect” ёзувларининг чиқиши кузатилади. Шунингдек жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилиги овоз ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин. Бунинг учун слайдга расмлар ва савол жойлаштирилади, “Correct” ва “Incorrect” сўзлари киритилади. Ушбу сўзларга анимация менюсидан “Вход” бандидаги “Фигура” буйруғини танлаймиз. Ойнанинг чап қисмидаги “область анимации” ойнасидан “время” бандини танлаймиз. Ҳосил бўлган ойнадан расмларга мос сўзларнинг “переключатели”даги “Начать выполнение эффекта при щелчке” бандидан мос сўзнинг чиқишларини сошлаб чиқамиз.



Демак, интерфаол мультимедиа тақдимотларини ишлаб чиқиш ўқитувчидан ижодкорликни талаб этади. Керакли манбалар, расмлар, овозлар тўпланеди ва ишни бажариш алгоритмининг хомаки варианты тузилади, сўнгра натижалар компьютерга киритилиб, юқоридаги каби интерфаол тақдимотлар тайёрланади.

Тил ўрганишда интерфаол мультимедиа тақдимотларини ва унинг турли кўринишлари – тестлар, ўйинлар, ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларга сўзларнинг ёзилишини кўриши, талаффузини эшитиши ва тақдимотни бевосита бошқариш имкониятлари мавжудлиги боис тилни янада қизиқарли ва осон ўзлаштириш шароити вужудга келади. Ҳар бир дарсни шу тарзда ташкил этиш дарсларнинг самарадорлигини кафолатлайди. Ушбу топшириқларни ўқувчилар мустақил билим олишларини ташкиллаштириш сифатида ҳам қўллаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш// Халқ сузи, 2010 феврал.
2. Умумтаълим фанлари бўйича мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш методологияси// <http://old.ziyonet.uz/ru/library/libid/31800/offset/300>
3. Леонов В. PowerPoint 2010 с нуля. – М.:Эксмо, 2010. – 321 с.
4. viki.rdf.ru \Детские презентации
5. www.nachalka.com \ Триггеры в презентации
6. Мультимедийные презентации/ ИКТ в образовании // Персональный сайт Бушуевой Екатерины. http://katerina-bushueva.ru/publ/ikt_v_obrazovanii/ikt_v_obrazovanii/4
7. nsportal.ru